

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК

Эгамбердиев Исмоил Хайитмирзаевич
“Темир йўл поездлари ҳаракатидан ҳосил бўлган тўлқинларни бино ва
иншоотларга таъсирини аниқлаш”

М 5А111001 Касб таълими-(Бинолар ва иншоотлар қурилиши)
мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олиш учун ёзган

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди:
«Бинолар ва иншоотлар қурилиши»
кафедраси мудири:

доц. С. Раззақов

Илмий раҳбар:

т.ф.д., проф. Ш. С. Юлдашев

Наманган- 2014

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Кириш..... | 4 |
| I БОБ. Ярим текиликда эластик тўлқинларнинг тарқалиши хақидаги масаланинг қўйилиши..... | 11 |
| 1.1. Грунтларнинг физик-механик хусусиятлари..... | 11 |
| 1.2. Умумий деформация модули..... | 13 |
| 1.3. Грунтларнинг силжишга қаршилиги | 16 |
| 1.4. Масаланинг қўйилиши..... | 20 |
| 1.5. Масалани вариацион қўйилиши..... | 23 |
| 1.6. Хотирага эга бўлган эластик жисмнинг тебраниш тенгламаси учун физик параметрлар..... | 27 |
| II БОБ. Эластиклик назариясининг текис масалаини чекли элементлар усули билан ечиш..... | 30 |
| 2.1.Чекли элементлар усулини эластиклик назариясининг текис масаласини ечишга қўллаш ҳақида | 30 |
| 2.2.Тузилган дастур натижаларининг тўғрилигини текшириш..... | 43 |
| 2.3. Чексиз эластик ярим текисликнинг чекли динамик модели..... | 45 |
| III БОБ. Темир йўл поездлари ҳаракатидан ҳосил бўлган вибрацияни тарқалишини ўрганиш..... | 49 |
| 3.1. Поездлар ҳаракатидан ҳосил бўлган вибрациянинг тарқалишини. грунтнинг турли хил моделларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилиш | 49 |
| 3.2.Атрофга нисбатан баландда жойлашган темир йўл полотносидан тебранишларнинг тарқалиши | 57 |
| Асосий хулосалар..... | 66 |
| Амалий тавсиялар..... | 67 |
| Фойдаланилган адабиётлар..... | 68 |
| Иловалар..... | 74 |

Аннотация

Бино ва иншоотларга поездлар ҳаракатидан ҳосил бўладиган тўлқинларни таъсирини аниқлаш мураккаб жараён бўлиб, уларга турли йўналишда тўлқинлар таъсир этади. Бунинг натижасида бинолар қурилган масофада грунтнинг физик-механик хусусиятлари ўзгариб боради.

Шунинг учун бино ва иншоотларнинг турли хил грунтлар билан ўзаро таъсирини, уларнинг бўйлама ва кўндаланг тўлқинлар таъсирида кучланганлик ҳолатини ўрганиш ва натижалар асосида қурилиш маъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш катта илмий аҳамиятга эга. Илмий ишда асосан бино ва иншоотларга таъсир этувчи ностационар тўлқинлар натижасида вужудга келган деформация-кучланиш ҳолати таҳлил этилган. Биноларнинг ишлаш турига қараб, уларнинг ҳисоблаш усуллари ҳам турлича бўлиши, ҳисоб жараёнида турли хил тўлқинларни ҳисобга олган ҳолда бино ва иншоот барпо этилган грунтларни ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди.

Бино ва иншоотларга таъсир этувчи ностационар тўлқинларни ва уларни биноларга таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар ўтказилди.

Кириш

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари туфайли барча шаҳар ва қишлоқларда аҳоли яшаш жойлари ва ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш интенсив равишда олиб борилмоқда. Бундан ташқари ишлаб чиқаришни ривожланиши ва аҳоли сонини кўпайиши, уларни транспорт ва темир йўл транспортларидан фойдаланиш эҳтиёжини ўсишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида уларни ҳаракатланиши туфайли ҳосил бўладиган тўлқинлар бино ва иншоотларга сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Уй-жойларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича пудрат ишлари кўламини кенгайтириш, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида шаҳар ва туманларда турар жой фонди объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларнинг дизайни бўйича ишларни тугал ҳолда, яъни калити билан топшириш шarti асосида фаолият олиб борадиган ихтисослашган хусусий таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини тузиш назарда тутилган.

Табиийки, янги қурилишларни замонавий қурилиш материаллари ва конструкцияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қишлоқ жойларда барпо этиладиган объектларни қуришда йиғма, композицион ва кичик блокли конструкцияларни қўллаган ҳолда, индустриал ва йиғма технологияларни кенг жорий этиш даркор.

Биз қишлоқда нафақат обод аҳоли масканлари ва замонавий уйларга, балки равон йўллар, узлуксиз энергия таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимига, ривожланган ижтимоий объектлар тармоғига — бу қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар бўладими, болалар спорти иншоотлари, телекоммуникация ва почта алоқаси бўладими, хизмат кўрсатиш, савдо шохобчалари бўладими — ана шундай ва бошқа тузилмаларга эга бўлишимиз керак. Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ қурилиши бўйича ҳудудий бўлимларга эга

ихтисослашган банк ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз шаҳарсозлигини ривожлантириш билан бир қаторда қишлоқ ҳудудларида ҳам зарур инфратузилма - газ ва бошқа коммуникация тармоқларининг замонавий турларини яратиб бериш, уларни модернизация қилиш соҳа олдида турган энг муҳим вазифа ҳисобланади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги қонунда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда таълим тизимидаги ислоҳотларни амалга ошириш, қурилиш индустриясини замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрлар билан таъминлаш олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ривожлантиришнинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Республикамызда транспорт ва темир йўллар аҳоли яшаш жойлари яқинидан ўтган бўлиб, улардан ҳосил бўладиган шовқин ва тўлқинлар инсон соғлигига қолаверса, бинолар ва ер ости иншоотлари тармоқларига салбий таъсир кўрсатади.

Мавзунинг долзарблиги.

Аҳолини жойлашиши жиҳатидан зич бўлган Наманган вилоятидаги саноат корхоналари, жамоат бинолари ва турар жой бинолари учун ер ости муҳандислик тармоқлари билан уланган шаҳар ва туманларда саноат корхоналарининг қурилиши кейинги пайтда кенг қулоқ очмоқда. Юқоридаги саноат ва тармоқларнинг ривожланиши учун унинг динамик ва сейсмик кучларни таъсиридаги ҳолатларини баҳолаш, тармоқ конструкцияларида ҳосил бўладиган зўриқиш кучланишларни аниқлаш ва ташқи кучлар таъсирига чидамли кесим юзалар танлаш чора-тадбирлар белгиланади .

Ҳозирги мавжуд конструкцияларни ҳисоблаш услублари кўп ҳолларда ҳақиқий тармоқнинг иш шароитларини ҳисобга олмайди. Кўпгина илмий тадқиқот ишларида динамик кучлар натижасида саноат корхоналари, жамоат бинолари, турар жой бинолари ва ер ости коммуникацияларида ҳосил бўлган

бузилишлар ва кўрган талофатлар келтирилсада, бу муаммони назарий жиҳатдан ўрганишга етарли эътибор берилмаган.

Тўлқинлар тартибсиз шовқинни вужудга келишига сабаб бўлади, бу эса инсон яшаш муҳитининг муҳим экологик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Динамик кучлар таъсирида ер ости иншоотларида бузилишлар содир бўлиши мумкин. Тебраниш тўлқинлари таъсирида тармоқнинг конструкция элементларида ва бирикмаларда динамик кучлар ортади, деталларда юк кўтариш қобилияти пасаяди, ёриқлар, дарзлар пайдо бўлади. Материалнинг ички структураси ва ташқи юзаси бузилишига конструкцияларни ишдан чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун маълум ҳудуд учун тармоқларни ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқиш зарур.

Бундай усулларнинг йиғиндиси натижасида бино ва иншоотларни мустаҳкамликка ҳисоблаш услубларини янада такомиллаштирилади ва олинадиган натижалар унинг ташқи таъсир кучларида ҳосил бўладиган зўриқишларнинг миқдори янада аниқ ва тўлароқ олиш имкониятларини яратади.

Динамик кучларни ер остида тарқалиши ва тармоқларда ҳосил бўладиган зўриқишлар жараёнини ўрганишимиз зарур. Турли саноат корхоналари, жамоат ва турар жой биноларининг мустаҳкамлилигини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ҳозирги кунга келиб 40 дан ортиқ давлатларда вибрацияли машина ва жиҳозлар учун техник талаблар ишлаб чиқилган бўлиб, улар қонун билан мустаҳкамланган.

Юқорида келтирилган омиллар шуни кўрсатадики, вибрация инсон организмига, машина ва механизмларга, бино ва иншоотларга, технологик жараёнларга зарарли таъсир этиб, катта ижтимоий зарар келтиради.

Тадқиқот мақсад ва вазифалари.

-бино ва иншоотларда динамик кучдан ҳосил бўладиган зўриқишларни назарий жиҳатдан ўрганиш;

-грунтнинг турли физик ва геометрик параметрлари таъсирини ўрганиш, ҳаракатланувчи юклар: транспорт воситалари, темир йўл транспортлари ҳаракатидан ҳосил бўладиган тўлқинларни таҳлил этиш, бино ва иншоотлар тармоқларига таъсир этувчи тўлқинлар даражаларини ўрганиш;

-тўлқинларнинг тарқалиш жараёнидаги масалаларни ечиш орқали олинган натижаларни таҳлил этиш, динамик назария асосида зилзилабардошлик, грунтга нисбатан қувурларни руҳсат этилган сирпаниб кўчишларни аниқлаш;

-ҳаракатланувчи юклар таъсирида вужудга келган тўлқинларни тарқалишини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш;

Ишнинг илмий янгиликлари.

-поездларнинг ҳаракатидан ҳосил бўлган тўлқинларни бино ва иншоотнинг тармоқларига таъсирини ўрганиш;

-грунт юзасининг тебраниш даражасига таъсир этувчи турли физик ва геометрик параметрларни аниқлаш;

- темир йўл поездлари ҳаракатланиши натижасида вужудга келадиган тўлқинларни тарқалишини ўрганиш;

Ишнинг амалий ахамияти.

Ишлаб чиқилган ва таҳлил қилинган ҳисоблаш усуллари ва дастурлардан ер ости тармоқларининг турли физик ва механик катталиклари бўйича ҳисоблаш имконини беради. Олинган натижалар ва таҳлил қилинган услублардан Республикамизда қуриладиган ер ости муҳандислик коммуникация тармоқлари ва турли хил иншоотларини лойиҳалаш ишларида фойдаланиш мумкин. Вибрациянинг манбаларидан бўлган турли ишлаб чиқариш ва транспорт воситаларидан вужудга келган тўлқинларни тарқалиши ва уларнинг ер ости коммуникация тармоқларига салбий

таъсирини ўрганиш. Шунинг учун бу тўлқинларни ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот объекти:Қўйилган масалаларни ечиш учун қуйидаги объектлар танланган:

- бино ва иншоотнинг тармоқлари;
- бино ва иншоотлар остига ётқизилган грунтлар;

Тадқиқот предмети: поездлар ҳаракатидан ҳосил бўлган тўлқинлар;

Ишнинг таркибий тузилиши.

Ушбу илмий изланишларда бино ва иншоот конструкцияларида динамик куч таъсирида ҳосил бўладиган динамик жараёнлар назарий жиҳатдан ўрганилди.

Диссертация кириш, 3та боб ва хулосалардан иборат. Ишнинг сўнгида амалий тавсиянома ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати киритилган.

I бобда Масаланинг қўйилиши ва унинг долзарблиги тўғрисида сўз юритилган бўлиб, қўйилган масаланинг ечиш методлар таҳлили келтирилган. Ҳозирда бу соҳа бўйича дунёда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлар ҳақида маълумотлар келтириб, улар таҳлил этилган.

II бобда Ламе масаласини ечиш тўғрисида сўз юритилган. Сўнгра стационар ҳолат учун динамик масалани ЧЭУ ёрдамида ечиш ва ностационар жараёнлар учун ЧЭУни қўллаш бўйича маълумотлар берилган.

III бобда Бино ва иншоот тармоқларини мустаҳкамлилигини таъминлаш мақсадида, қурилиш меъёрлари бўйича ҳисоблаш ишлари баён қилиниб, уни янада такомиллаштириш ишлари назарий ўрганилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олиб борилган илмий изланиш натижаларини яқуний хулосаларда баён этилди.

Масалани ўрганилганлик даражаси

Вибрация манбаидан тўлқинларнинг грунтда, ер ости ва устида тарқалиши, уларнинг салбий таъсирларини бартараф этиш муаммоларини кўплаб олимлар томонидан ўрганилган, шу сабабли изланишлар давомида

уларнинг назарий ва амалий натижаларига таянамиз. Б.М. Мардонов, Г.Х. Хожметов ва П.Р. Рашидовларнинг монографияларида сейсмик ҳаракатлар натижасида ер ости иншоотларининг тебраниши ва уларнинг грунт билан ўзаро таъсирининг назарий ва амалий изланишларнинг натижалари келтирилган. Турли хил шароитларда ер ости қувурлари ва уларнинг грунтлар билан ўзаро таъсирини характерловчи параметрлар тажриба йўли билан аниқланган. Сейсмик фаол ҳудудларга турли мақсадларда қурилаётган ер ости иншоотларини режалаш ва ҳисоблаш бўйича аниқ таклиф ва маслаҳатлар берилган.

[56] тадқиқот ишида ер ости қувурларининг тебраниш масаласи цилиндрик қобик сифатида атроф муҳитдан тарқалаётган тўлқинларнинг пульсли юкламалари таъсири тадқиқ этилган. Бу масалани ечишда аввал грунтларда эластик тўлқинларнинг тарқалиш масаласи ўрганилган. Цилиндрик координаталарда тебраниш тенгламаси тузилади: бунда тўлқинлар таъсири чексиз мавжуд деб ҳисобланади. Кейин эса маълум бўлган параметрларни ҳисобга олган ҳолда грунт остидаги қувурларнинг тебраниш масаласи ечилади. Фараз қиламиз, қувурнинг ён сирти билан грунтнинг ишқаланиши билан нормал юза бўйича векторлар ташкил этувчилари йўқ, яъни бундай чегаравий шарт цилиндрик қобикнинг тенгламасини ечишни аниқлайди.

57 тадқиқот ишида ҳам бундай масала худди шундай усулда ечилади. Сирт атроф билан силлик, икки томонлама алоқада боғланган, ўзаро алоқа чегараси ва сиртда уринма кучланиш мавжуд, чекланишларга рухсат этилган нормал кучланиш сирт томонидан босимга тенг деб ҳисобланади.

Илмий ишларда асосий эътибор фақат иншоотнинг ҳисоб ишларига қаратилган бўлиб, иншоотга таъсир этувчи тўлқинлар эътиборга олинмаган.

[10] илмий ишда катта узунликдаги қувур типидagi иншоотларнинг ҳисоб масалалари ечимини топган бўлиб, бунда у атрофдаги грунтга гармоник таъсир этиши назарда тутилган.

[49] илмий ишда метро поездининг ҳаракатланиши натижасида вужудга келадиган грунт юзасида тебранишларнинг сонли ҳисоб натижалари келтирилган бўлиб, бу ҳисоб ишлари тажриба асосида тоннеллардан ёзиб олинган тебранишлар асосида амалга оширилган .

[33] илмий ишда эластик муҳитда ички манбадан тўлқинларнинг тарқалиши масаласи аналитик усулда ечилган. Муҳит ичида юклама тўғри бурчак юза шаклида тақсимланган.

Илмий ишларда темир йўл полотносидан тарқалаётган тўлқинлар ўрганилган.

Илмий ишларда ҳаракатланувчи юк таъсирида вужудга келадиган грунт юзасидаги тебраниш назарий ва тажриба йўли билан ўрганилган.

Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ер усти ва ер ости транспортларининг ҳаракатланиши натижасида вужудга келадиган вибрация ва уларни тарқалишини ўрганиш ҳозирги вақтга келиб ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Кўплаб илмий ишлардаги тажриба изланишлари шу муаммога қаратилган. Бундан ташқари бу таҳлиллардан кўриниб турибдики, бу муаммони кенг назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш реал муҳандислик амалиётининг талаби ҳамдир.

Бу муаммо долзарбдир, чунки темир ва автомобил йўллари тизими изчил қурилмоқда.

I БОБ

Ярим текиликда эластик тўлқинларнинг тарқалиши ҳақидаги масаланинг қўйилиши

1.1 Грунтларнинг физик-механик хусусиятлари

Ташки юк таъсирида грунт зарраларнинг ўзаро силжиши, сурилиши ва янада зичроқ жойлашуви натижасида улар орасидаги ғоваклик камайиб, грунт зичланади.

Грунтлар зичланиш жараёнида уларнинг шакли асосан ғоваклар ҳажмини камайиши ҳисобига ўзгаради. Грунт таркибидаги қаттиқ зарралар ва сув амалда сиқилмайди. Бундай шарт амалиётда катта хатолика олиб бормади, чунки бир квадрат см юзага 50-60 кн куч таъсир эттириб олиб борилиб, тажрибалар грунт зарралари ва сувнинг сиқилишини 1% ошмаслигини кўрсатади. Шундай қилиб, грунтнинг зичланиши тўғрисида сўз юритилганда, унинг сиқилиши назарда тутилади.

Маълумки, ғоваклари сувга тўйинган грунтлар маълум миқдордаги сувнинг сизиб чиқиши ҳисобига зичланади. Бу эса ўз навбатида, грунтнинг зичланиш ҳолати, ундаги намликни камайишига олиб келишидан далолат беради. Грунтнинг ҳар қандай юк таъсиридаги зичланиши доимо узок ёки қисқа вақт давом этади. Давомийликни келтириб чиқарувчи ҳолатлар эса грунтнинг ёпишқоқлиги ва сув сизиш хусусияти билан боғлиқ бўлади.

Грунтларнинг асосий хусусиятларидан бири, уларнинг юк таъсири остида сиқилишидир. Бу хусусиятни ўрганиш грунт заминларда қуриладиган иншоот ва биноларни лойиҳалашда жуда муҳимдир. Агар иншоот замини етарли зичликка эга бўлмаса, уни у ёки бу усул ёрдамида зич ҳолга келтирадилар. Масалан, механик усулда ёки сунъий қотириш усулида. Грунтли заминларни механик усулида зичлаш асосан статик ва динамик юклар таъсирида амалга оширилади.

Лойсимон грунтлар асосан статик грунтлар остида яхши зичланади ва унинг амалга ошиши грунт таркибидан сувнинг сиқиб чиқариш тезлигига

боғлик бўлади. Қумли грунтлар эса динамик юклар таъсирида яхши зичланади. Грунт намуналарни доимий куч ёрдамида зичлашда (компрессияда) куйидаги икки чегарани ҳисобга олиш керак:

1. Ташқи куч миқдори грунт ички боғланиши кучларидан кичик бўлган ҳол, яъни $P < P_{стр}$;
2. Ташқи куч миқдори грунт ички боғланиши кучларидан катта бўлган ҳол, яъни $P > P_{стр}$.

Биринчи ҳолда, кўп тажрибаларнинг кўрсатишича, грунт зичланмайди, чуқи бу ерда ҳосил бўлган деформациялар эластик бўлиб, грунт қаттиқ жисмга ҳос деформацияга учрайди. Иккинчи ҳолда эса грунт ўз таркибидан маълум миқдордаги сувни сиқиб чиқариши натижасида катта сиқилишга учрайди.

Грунт сиқилишини характерловчи асосий кўрсаткичларни ён томонга кенгайтишига имкон бўлмаган ва фақат вертикал деформация юзага қоладиган шароитда, ҳамда фақат ташқи куч таъсири остида бўлган шароитда тажриба ўтказиш билан аниқланади.

Грунтларни сиқилишини ён томондан бикр бўлган одометр деб аталадиган асбобда ўрганилади.



1-расм. Грунтнинг сиқилишга қаршилигини аниқловчи ускуна – Одометр схемаси (компресс қурилма)

Унда грунт сиқилиши фақат бир томонга (пастга) йўналган бўлади ва у табиатда рўй берадиган текис тақсимланган кучга мос келади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, грунт сиртига таъсир этувчи юкнинг ошиб бориши натижасида, ғоваклик коэффиценти ва грунт намлиги камайиб боради. Таъсир этувчи босим ва намлик ўртасида маълум муносабат ўрнатилиши мумкин.

Сувга тўйинган лойли грунтни ўсиб борувчи юк таъсирида синалган пайтда, ҳар бир поғона юкка маълум намлик тўғри келади.

1.2 Умумий деформация модули

Умумий деформация модули (умумий шакл ўзгариш қиймати) E_p Юнг конуни асосида аниқланадиган эластик жисмларга хос бўлган бирлик E га монанддир. Лекин, грунтнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар бир-биридан фарқ қилади.

Грунтларда E_p нинг умумий шакл ўзгариш ўлчови деб аталишига унинг эластик ва қолдиқли шакл ўзгариш қийматлари йиғиндисидан ташкил топганлиги сабаб бўлади.

E_p грунтлардаги ўзига хос бошқа хусусиятни, яъни улар зичлигини ошиши билан сиқилиш хусусиятининг сусайишини ҳам ҳисобга олади. Бу эса умумий шакл ўзгариш қиймати (E_p) нинг юк миқдори билан боғлиқлигини ифодалайди, яъни:

$$E_p = f(P)$$

Умумий шакл ўзгариш қийматини зичланиш коэффиценти орқалиқуйидагича ифодалаш мумкин:

$$E_p = \beta \frac{1+l}{a} \quad (8)$$

бунда β - грунтнинг Юнга кенгайиш коэффиценти M га боғлиқ бўлган ўлчовсиз миқдор.

$$\beta = 1 - \frac{2\mu^2}{1-\mu} \quad (9)$$

Бу ифода ёрдамда ҳисобламаган В нинг қийматлари қуйидагича бўлади:

| | |
|-----------|-----------------------|
| Қум | - 075($\mu = 0.29$) |
| Лойли қум | - 072($\mu = 0.31$) |
| Қумли лой | - 057($\mu = 0.31$) |
| Лой | - 043($\mu = 0.31$) |

Умумий шакл ўзгариш қиймати лаборатория шароитида компрессион текширишларда дала шароитида шурф ва скважиналарда синаш олиб бориш орқали аниқланади.

Иншоотдан узатилувчи вертикал ёки қия куч таъсирида замин бўйлаб грунтларда деформацияни вужудга келтирувчи тик ва уринма зўриқишлар ҳосил бўлади. Бундан ташқари, грунт ўз оғирлиги остидаги кучланиш таъсирида ҳам бўлади. Грунтларнинг ўз оғирлигидан ҳосил бўлган деформация уларни таркиб топиш жараёнидаёқ тугайди. Иншоотдан узатилувчи куч таъсирида ҳосил бўлган зўриқиш эса грунтларда қўшимча деформацияни вужудга келтиради.

Кўпинча тик зўриқиш таъсири остида грунтларда зичланиш деформациясини келтириб чиқарса, уринма зўриқишлар эса грунтларда силжиш деформациясини вужудга келтиради.

Тик зўриқишларни яхлит жисмларга таъсирини деформацияланувчи жисмлар механикаси (материаллар қаршилиги, эластиклик назарияси) фанида батафсил ўрганилади. Чунки, грунтлар дисперс жисмлар тоифасига кирганлиги сабабли, яхлит жисмларнинг деформацияланиши қонуниятидан ташқари, уларнинг сиқилишдаги ғовақлар ҳажмини ўзгаришини ҳисобга олишга тўғри келади. Яъни, қўшимча равишда зичланиш қонунини кўриб чиқиш лозим. Бундан ташқари, грунтларда яхлит жисмларда бўлган сингаритик зўриқишлар таъсирида мураккаброқ қонуният бўйича содир бўладиган энига кенгайишни кузатиш мумкин.

Яхлит жисмларнинг уринма зўриқиш таъсирида деформацияланиши эластик деформацияларда силжиш модули, пластик деформацияларда эса оқувчанлик чегараси ва қовушқоқлик коэффициенти орқали баҳоланади. Грунтларда силжиш деформацияси нисбатан камдан-кам кўрилиб, одатда чегаравий кучланганлик ҳолатида уларни силжиш қаршилигига кўпроқ эътибор берилади. Бу қаршилик грунтларнинг силжишга қаршилиги қонуни бўйича аниқланадиган грунтларнинг ички ишқаланиш бурчаги ва солиштирма боғланишига боғлиқ.


Грунтларнинг вақт бўйича деформацияланувчанлиги ва уларни силжишга қаршилиги ҳамда ғовақларда жойлашган сувга узатилувчи кучланишнинг улушига боғлиқ ғовақлардаги сув унда ҳосил бўлган босим таъсири остида секин-аста сўрилиб, грунт қовурғасига узатилади. Шунинг учун грунтларнинг деформацияланиши ва уларнинг силжишга қаршилиги грунтнинг сув сизиш хусусиятларига боғлиқ. Бундан ташқари грунтлардаги сувларнинг сизиш хусусиятларини ўрганиш қурувчилар учун сувни ҳандакка оқиб келиш ва сув сатҳини камайтирувчи мосламаларни ҳисоблаш мобайнида муҳимдир. Бу эса грунт сувларининг сизиш қонунини ўрганиш лозимлигини асослаб беради.

Намланганда, динамик куч таъсир қилганда зўриққанлик ҳолатида ёки муздан эриганда грунтларнинг тузилиши бузилади. Ушбу ҳолатда уларнинг деформацияланиш хусусиятларини аниқловчи қонуният (грунт тузилишининг бузилиши қонуниятини) ни ўрганиш лозим бўлади.

Юқорида қайд этилган 3 та қонунни, шунингдек, тузилиши турғун бўлмаган грунтларнинг бузулиши қонуниятини билиш асосида уларни кузатилиши мумкин чўкиш қийматини ва грунт қатламининг турғунлигини йўқолишини олдиндан аниқлашга имкон яратилади.

1.3.Грунтларнинг силжишга қаршилиги

Ҳар қандай ташқи куч таъсирида грунтнинг шакл ўзгаришига оид хусусияти унинг маҳкамлигига боғлиқ. Грунтнинг мустаҳкамлиги эса, ўз навбатида унинг силжишга қаршилиги билан белгиланади. Грунтнинг силжишга қаршилиги ($\tau_{\sigma\omega}$) солиштирма қаршилик сифатида кучланиш (зўриқиш) ўлчов бирлигида ифодаланади.



1.1-расм. Грунтнинг силжишга қаршилигини синовчи ускунанинг умумий кўриниши.


Грунтларнинг силжишга қаршилиги Кулон қонуни асосида проф. Н.Н.Маслов тўлиқ ва мукамал ҳолда қуйидаги умумий кўринишда тавсия этган:

$$\tau_{\sigma\omega} = \sigma \operatorname{tg} \varphi_{\omega} + c_{\omega} + c_{\delta} \quad (24)$$

бунда σ -грунт қатламининг маълум кесим юзасидан ҳосил бўладиган зўриқишнинг тик йўналган қиймати; φ_{ω} - ω намликдаги ички ишқаланиш бурчаги;

c_{ω} намликдаги юмшоқҳолатдаги боғланиш кучи; c_{δ} -бикр ҳолатдаги боғланиш кучи.

Юқоридаги ифодада τ , σ_ω , c_ω ва c_σ лар зўриқишни ифодаловчи бирликда ўлчанади. σ ва τ лардаги ω га мос белгилар уларнинг намликка боғлиқ эканлигидан дарак беради. Улардан ташқари грунтнинг силжишга қаршилиги τ умумий ҳолда зўриқишнинг тик йўналган ташкил этувчисига ҳам боғлиқлиги σ белгиси билан ифодаланган.



1.2 -расм. Грунтни силжишдаги синовни ўтказувчи қурилма схемаси : 1 — силжимайдиган қобик; 2 — силжимайдиган қобик; 3 — тишлик филтирловчи қават.

Демак, ҳар қандай грунт мустақамлиги ёки унинг силжишга қаршилиги грунтнинг ички ишқаланиш кучига; унинг юмшоқҳолатдаги боғланиш кучи c_σ қийматига боғлиқ.

Ички ишқаланиш бурчаги. Жисм зарралари сирт юзасининг ғадир-будирлик шакли ишқаланиш ҳолатини изоҳлашдаги асосий кўрсаткичлардан биридир. Маълумки, ташқи куч таъсирида грунт зарралари орасида яқинлашиш ва жипслашиш ҳолати содир бўлади. Бу ҳолат, ўз навбатида, зарраларо силжишга қарши ишқаланиш кучини вужудга келтиради.

Шу йўсинда олиб борилган тажрибалар ишқаланиш кучи ташқи юкнинг тик йўналган ташкил этувчисини маълум қийматларига мос равишда ўзгаришини кўрсатади. Шунга асосланиб, ишқаланишнинг солиштирма кучини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\tau = \sigma \cdot f, \quad (25)$$

бунда f —зарралар сиртининг ғадир-будурлигини ифодаловчи ишқаланиш коэффициенти.

Ишқаланиш коэффициенти ўз навбатида ишқаланиш бурчагига мос бўлгани учун (25) ифодани айнан қуйидаги шаклда ёзиш тавсия этилади:

$$\tau = \sigma \cdot \operatorname{tg} \varphi, \quad (26)$$

Одатда, ишқаланиш ҳолати зарралар орасида юз бергани учун грунтлар механикасида f ва $\operatorname{tg} \varphi$ тегишлича ички ишқаланиш коэффициенти ва ишқаланиш бурчаги деб номланади.

Сочилувчан грунтларда (шағал, йирик, майда тош, кум) ички ишқаланиш бурчаги грунт ғоваклигига (n), лойли ва лойсимон грунтларда эса грунт намлигига (ω) га боғлиқ бўлади. Буни ҳисобга олиб (26) ифодани қуйидагича ёзиш мумкин:

Сочилувчан грунтлар учун:

$$\tau_n = \tau \cdot \operatorname{tg} \varphi_n, \quad (27)$$

лойли грунтлар учун:

$$\tau_\omega = \sigma \cdot \operatorname{Tg} \varphi_\omega, \quad (28)$$

Бикр боғланиш кучи. Бикр боғланиш кучи (c_b) грунтга қаттиқлик хусусиятини беради. Кучнинг бундай тури жисм зарраларини ўзаро жипслаштиришда жадаллик кўрсатувчи қаттиқ ҳолатдаги боғловчи моддалар туфайли вужудга келади.

Бикр боғланиш кучи, асосан, қоя грунтларига хосдир. Бундай боғланишлик улар таркибидаги электр хусусиятли ион боғланишлар эвазига рўй беради.

Олимларнинг фикрича, қоя грунтларидаги бикр боғланишлар тоғ жинслари пайдо бўлгандан кейинги жараёнда шаклланади. Моддаларнинг ўзаро сиқилиб, эзилиб ва ёпишиб қотиши бу жараёнларнинг негизини ташкил этади.

Бикр боғланишлар грунтнинг шакл ўзгаришига нисбатан эластикликдир.

Лекин улар бузилганда яна тикланиш ҳолатига қайтмайди. Грунтларга оид фанда улар қайтмас боғланишлардеб аталади.

Бикр боғланиш кучларининг бузилиши айрим ҳолларда, яъни юқори босим таъсир этганда, кучли шакл ўзгариш ҳолатида ёки лойли грунтлар ўта намланганда рўй бериши мумкин.

Юмшоқ боғланиш кучи. Боғланиш кучининг мазкур тури (c_w) лойли грунтларга хос бўлиб, улар мустаҳкамлигининг асосий кўрсаткичидир.

Намлигини ўзгартириш билан лойли грунтларни турли ҳолатга (қаттик, юмшоқ, қуйқа ва ҳ.к.) келтириш мумкин. Бундай ҳолатлар фақат ўзига хос бўлган юмшоқлик кучининг моҳиятидан келиб чиқади.

Яхлит лойнинг осонлик билан бўлақларга ажралиши ва яна ҳеч қандай куч ишлатмай қайта аввалги ҳолига келиш хусусияти юмшоқ боғланиш кучининг оқибатидир.

Бундай хусусият юмшоқ боғланиш кучи c_w ни бикр боғланишдан фарқлантирувчи қайтувчанлик хоссасини намоён этади. Қайтувчанлик хусусияти лойли грунтлардаги сув молекулаларининг табиати билан боғлиқ.


Лойли грунтларнинг мустаҳкамлик табиати жуда мураккаб бўлиб, бу ҳанузгача узил-кесил ҳал этилмаган. Уни тадқиқ этиш ишлари давом эттирилмоқда.

**Наманган шаҳрининг грунтнинг
тузлиш схемаси**




1.4. Масаланинг қўйилиши

Темир йўл поездлари ҳаракатланиши натижасида вужудга келадиган вибрация атрофдаги бино ва иншоотлар тармоқларига ва аҳолига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Исталмаган вибрацияларни камайтириш учун ҳаракатланувчи юклар таъсирида вужудга келадиган тебранишлар тарқалишини ўрганиш муҳимдир.



1–вибрация манбаи, 2 –тарқалиш йўналиши (2 – жисм ичидадаги тўлқинлар): сиқилиш, кўчиш; 2b – ташқи тўлқинлар: Рэлея, Лява; 2c - Стоунли мухити чегарасидаги тўлқинлар); 3- вибрация таъсиридаги объект (вибрация, шовқин); 4 –грунт сувлари сирти

Поезд ҳаракатидан тўлқинларни тарқалиши




Тажрибавий изланишлар асосида олинган натижалар шуни кўрсатадики, грунтнинг тебраниши, вақт ўтиши билан гармоник қоида асосида амалга оширилиши кўплаб муаллифлар томонидан тасдиқланган. [13]

Бу масалани чизиқли масала асосида ҳам кўриш мумкин, чунки бунда тебраниш амплитудаси кичикдир.

Тўғри бурчакли координаталар системасини оламиз. X ўқини эркин чегара ярим текисликдан ўнг томонга йўналтирамиз. Y ўқини эластик муҳит томонга йўналтирамиз. (1-расм) Бу еда F -юнг модули, ν -Пуассон коэффиценти, ρ -зичлик.

Бу масалани қуйидагича математик моделлаштирамиз. Ярим текисликдаги тўғри бурчакли кесимдаги эркин чегара яқинида жойлашган, иккита параллел гармоник юкламадан тарқалаётган тўлқин.



1-расм.

Фараз қиламиз, ярим текислик бир жинсли эмас ва ички ишқаланишга эга, хотирага эга бўлган эластик жисм ҳисобланади.

1. Ҳаракат системаси тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$\begin{aligned}(\lambda + \mu) \frac{\partial \Delta}{\partial x} + \mu \nabla^2 u &= \rho \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} \\(\lambda + \mu) \frac{\partial \Delta}{\partial y} + \mu \nabla^2 v &= \rho \frac{\partial^2 v}{\partial t^2}\end{aligned} \quad (1.1)$$

Бу ерда:

$$\begin{aligned}\Delta &= \frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial y} \\ \nabla^2 &= \frac{\partial^2}{\partial x^2} + \frac{\partial^2}{\partial y^2}\end{aligned}$$

λ – Ламе коэффициентлари, умумий ҳолда оператор координаталари ҳисобига алмашинади.

2. Кўчиш ва деформациялар орасидаги муносабат:

$$\varepsilon_x = \frac{\partial u}{\partial x}, \quad \varepsilon_y = \frac{\partial v}{\partial y}, \quad \gamma_{yx} = \frac{\partial u}{\partial y} + \frac{\partial v}{\partial x} \quad (1.2)$$

3. Физик муносабат

$$\left. \begin{aligned}\sigma_x &= \lambda \Delta + 2\mu \cdot \varepsilon_x \\ \sigma_y &= \lambda \Delta + 2\mu \cdot \varepsilon_y \\ \tau_{xy} &= \mu \gamma_{xy}\end{aligned}\right\} \quad (1.3)$$

4. Кучланишдаги чегаравий шартлар

$$y = 0 \text{ да } \sigma_y = 0 \text{ ва } \tau_{xy} = 0 \quad (1.4)$$

5. Кўчишнинг чегаравий шартлар:

$$S \text{ да } v = v_0(t) \quad (1.5)$$

Бундан ташқари

$$\left. \begin{aligned}x &\rightarrow \pm\infty \\ y &\rightarrow \infty\end{aligned}\right\} \begin{cases} u = 0 \\ v = 0 \end{cases} \quad (1.6)$$

6. $t = 0$ да

$$\begin{cases} u(0) = u_0 \\ v(0) = v_0 \end{cases} \text{ ва } \begin{cases} \dot{u}(0) = \dot{u}_0 \\ \dot{v}(0) = \dot{v}_0 \end{cases}$$

Шундай қилиб, эластиклик назариясининг қуйидаги динамик масаласига эга бўламиз: ярим текисликда бир жинсли бўлмаган, изотроп, ярим текислик

чегарасида эркин турган, тўғри бурчакли контур йўналишида тарқалган, кинематик юклама гармоник вақт таъсирида, тўғри чизик билан чегараланган эластик кўчишни аниқлаш зарур.

1.5. Масалани вариацион қўйилиши

Кўп ҳолларда дифференциал тенглама масалаларини интеграллаш, ўтган мавзуларда келтирилган функцияни топиш учун масалани тенг кучли вариациони билан алмаштириш мумкин.

Классик механиканинг машҳур Острограф-Гамилтон тамойилидан фойдаланамиз. $L = L_n + L_p$ чизик ва S -юза билан чегараланган R_3 билан муносабатда бўлган, вязко-эластик жисм (тело) берилган бўлсин. Бунинг учун L_n -берилган кинематик чегаравий шарт, L_p -таъсир этувчи юкламалар системаси $P = P_x + P_y$. Хажмий куч системаси мавжуд.

Вектор функцияни аниқлаймиз:

$$\vec{U}(x, y, t) = (U(x, y, t), V(x, y, t))$$

Функция минимуми берувчи тўлиқ энергия системаси:

$$I = \int_{t_1}^{t_2} (\Pi - T + A) dt = \int_{t_1}^{t_2} \iint F \left(u, v, \frac{\partial u}{\partial t}, \frac{\partial v}{\partial t}, \frac{\partial u}{\partial x}, \frac{\partial u}{\partial y}, \frac{\partial v}{\partial x}, \frac{\partial v}{\partial y} \right) dx dy \quad (1.4.1)$$

$$\left. \begin{aligned} \vec{U} \Big|_{L_n} &= \vec{U}_n(x, y, t) \\ \vec{U} \Big|_{t=0} &= \vec{U}_0(x, y) \end{aligned} \right\} \quad (1.4.2)$$

Бу ерда

$U_n(x, y, t)$ ва $U_0(x, y)$ – берилган функция $t = 0$ да

$$T = \frac{1}{2} \iint_S p \left(\left(\frac{\partial u}{\partial t} \right)^2 + \left(\frac{\partial v}{\partial t} \right)^2 \right) dx dy \quad (1.4.3)$$

$$A = \iint_S (P_x \cdot u + P_y \cdot v) dx dy \quad (1.4.4)$$

$$(1.4.3) (1.4.4) \text{ дан } \Pi = \iint_S \bar{\Pi} dx dy \quad (1.4.5)$$

Бу ерда

$$\bar{P} = \bar{U}_y - \bar{P}_b$$

\bar{U}_y -бирлик юзадаги эластик потенциали (потенциал энергия);

\bar{P}_b -бирлик юзадаги “боғланиш” энергияси;

Агар аввалдан эластиклик ўрнига, эластик боғланиш потенциали киритилмаса, лагранж функциясини потенциали бўлмади қўйилиши зарур минимум шарт тўғри эквивалент вариацион масала бермайди.

Агар аввалдан эластиклик ўрнига, эластик боғланиш потенциали киритилмаса, Лагранж функцияси потенциалли бўлмади ва эквивалент ва зарур бўлган минимум шарт унга тўғри, эквивалент вариацион масаланинг қўйилишини ҳосил қилмайди[4].

Больцман-Вольтера назариясига асосан умумлашган Гук қонуни қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\begin{aligned} \sigma_x &= 2\mu(1-\nu)\varepsilon_x + \lambda(1-\nu)\Delta \\ \sigma_y &= 2\mu(1-\nu)\varepsilon_y + \lambda(1-\nu)\Delta \end{aligned} \quad (1.4.7) \quad \lambda \text{ ва } \mu \text{ -Ламе доимийлари}$$

$$\lambda = \frac{\nu \cdot E}{(1-2\nu)(1+\nu)} \quad \text{ва} \quad \mu = \frac{E}{2(1+\nu)}$$

\mathcal{R} -Вольтерра операторининг интегралли

$$R \cdot f(t) = \int_0^t R(t-\tau)f(\tau)d\tau \quad (1.4.8)$$

$R(t)$ -Абел типдаги хотирага эга ядро

Кейинги кўринишда:

$$\begin{aligned} \bar{P}_y &= \frac{1}{2}(\sigma_x \varepsilon_x + \sigma_y \varepsilon_y + \tau_{xy} \gamma_{xy}) \\ \bar{P}_b &= (\mathcal{R}_x \varepsilon_x + \mathcal{R}_y \varepsilon_y + \mathcal{R}_{xy} \gamma_{xy}) \end{aligned} \quad (1.4.9)$$

Физик муносабатларни ҳисобга олган ҳолда (1.4.7), потенциал энергия (1.4.6)ни қуйидаги кўринишда ёзамиз:[4]

$$\bar{\Pi}_y = \frac{1}{2} \left[(2\mu\varepsilon_x^2 + \lambda\Delta\varepsilon_x) + (2\mu\varepsilon_y^2 + \lambda\Delta\varepsilon_y) + \mu\gamma_{xy}^2 \right] - \left[(2\mu\mathcal{E}_x + \lambda\mathcal{A}\mathcal{E}_x) + (2\mu\mathcal{E}_y + \lambda\mathcal{A}\mathcal{E}_y) + \mu\mathcal{A}\mathcal{E}_{xy} \right] \quad (1.4.10)$$

Бу ерда

$$\mathcal{E}_x = \int_0^t R(t-\tau)\varepsilon_x(\tau)d\tau$$

$$\mathcal{E}_y = \int_0^t R(t-\tau)\varepsilon_y(\tau)d\tau$$

$$\mathcal{A}\mathcal{E}_{xy} = \int_0^t R(t-\tau)\lambda_{xy}(\tau)d\tau$$

$$\mathcal{A}\mathcal{E} = \int_0^t R(t-\tau)\Delta(\tau)d\tau$$

Потенциал энергия эканлигига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас.

$$\frac{\partial \bar{\Pi}}{\partial \varepsilon_x} = \sigma_x, \quad \frac{\partial \bar{\Pi}}{\partial \varepsilon_y} = \sigma_y, \quad \frac{\partial \bar{\Pi}}{\partial \gamma_{xy}} = \tau_{xy} \quad (1.4.11)$$

(1.4.11) ифода ўзаро эластик боғланган жисм учун Грин формуласи ифода этади.

[23] илмий иш тасдиқлайдики, (1.4.1) функционал тўлиқ энергия ва ўз навбатида стациона нуктада минимумга эга бўлади.

Ўзаро эластик боғланган назария масаласини ягона аналитик эластиклик назариясининг Кирхгоф теоремаси орқали амалга оширилади .

Ўз навбатида функционал тўлиқ энергия (1.4.1) ягона минимумга эга бўлади ва минимум излаш масаласи (1.4.1) да ифодаланган.

Эйлер-Пуассон тенгламаси

$$\begin{aligned} \frac{\partial F}{\partial u} - \frac{\partial}{\partial t} \frac{\partial F}{\partial u_t} - \frac{\partial}{\partial x} \frac{\partial F}{\partial u_x} - \frac{\partial}{\partial y} \frac{\partial F}{\partial u_y} &= 0 \\ \frac{\partial F}{\partial v} - \frac{\partial}{\partial t} \frac{\partial F}{\partial v_t} - \frac{\partial}{\partial x} \frac{\partial F}{\partial v_x} - \frac{\partial}{\partial y} \frac{\partial F}{\partial v_y} &= 0 \end{aligned} \quad (1.4.12)$$

Берилган чегаравий ва бошланғич шартлар функциянинг стационар шартлари ҳисобланади. (1.4.1), қўйилган масалага тўғри эквивалент бўлиши керак.

Бу ерда

$$u_t = \frac{\partial u}{\partial t}, \quad u_x = \frac{\partial u}{\partial x}, \quad u_y = \frac{\partial u}{\partial y},$$

$$v_t = \frac{\partial v}{\partial t}, \quad v_x = \frac{\partial v}{\partial x}, \quad v_y = \frac{\partial v}{\partial y}$$

F ифодани икки ўлчамли масала учун ёзамиз:

$$F = \mu \left(\left(\frac{\partial u}{\partial x} \right)^2 + \left(\frac{\partial v}{\partial y} \right)^2 \right) + \frac{\lambda}{2} \left(\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial y} \right)^2 + \frac{\mu}{2} \left(\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial y} \right)^2 - 2\mu \left(\frac{\partial u}{\partial x} \frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial y} \frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial y} \frac{\partial v}{\partial y} \right) -$$

$$- \lambda \left(\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial y} \right) \left(\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial y} \right) - \mu \left(\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial y} \right) \left(\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial y} \right) - \frac{\rho}{2} \left(\left(\frac{\partial u}{\partial x} \right)^2 + \left(\frac{\partial v}{\partial y} \right)^2 \right) + P_x u + P_y v$$

(1.4.13)

(1.4.13) ифодани (1.4.12)га қўйсақ, қуйидагига эга бўламиз.

$$\left. \begin{aligned} (\lambda + 2\mu)(1 - \kappa) \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + \mu(1 - \kappa) \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} + (\lambda + 2\mu)(1 - \kappa) \frac{\partial^2 v}{\partial x \partial y} &= \rho \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} + P_x \\ (\lambda + 2\mu)(1 - \kappa) \frac{\partial^2 v}{\partial y^2} + \mu(1 - \kappa) \frac{\partial^2 v}{\partial x^2} + (\lambda + 2\mu)(1 - \kappa) \frac{\partial^2 u}{\partial x \partial y} &= \rho \frac{\partial^2 v}{\partial t^2} + P_y \end{aligned} \right\} \quad (1.4.14)$$

Бу ифода Ламе тангласидир.

Ўз навбатида Ламе тенгласининг динамик ечими (1.4.14) чегаравий ва бошланғич шартлар (1.4.2) асосида

Бундай эквивалентликни кузатиб ва функциянинг унимидальности масаласини ечиш учун вариацион методлардан, хусусан, чекли элементлар усулини қўллаш имконини беради (ЧЭУ).

1.6 Хотирага эга бўлган эластик жисмнинг тебраниш тенгламаси учун физик параметрлар

Фараз қиламиз, хотирага эга бўлган эластик жисм етарли узоқ вақт давомида даврий кўзғалиш таъсирида бўлсин. Масалан, d_j даврий функция бўлсин.

$\varepsilon[t] = \varepsilon_0 \cdot e^{i\omega t}$ (1.5.1) ни ҳисобга олиб, қуйидагини ёзишимиз мумкин:

$$\sigma(t) = \sigma_0 \cdot e^{i(\omega t + \varphi)} \quad (1.5.2)$$

Биз биламизки, хотирага эга бўлган эластик жисмнинг кучланиш-деформация ҳолат тенгламаси билан ифодалаш мумкин.

$$\sigma(t) = E(1 - \mathcal{K}) \cdot \varepsilon(t) \quad (1.5.3)$$

Ёки

$$\varepsilon(t) = \frac{1}{E}(1 + \mathcal{K}) \cdot \sigma(t) \quad (1.5.4)$$

бу ерда R ва K -релаксация ва оқувчанлик оператори;

(1.5.1) ва (1.5.2) ни (1.5.3) га қўйиб қуйидагига эга бўламиз:

$$\sigma_0 \exp i(\omega t + \varphi) = E \cdot \varepsilon_0 \left[\exp(i\omega t) - \int_{-\infty}^t \exp(i\omega t) \cdot R(t - \tau) d\tau \right] \quad (1.5.5)$$

Ўзгаришни интеграллаш билан алмаштириб, бу ифодани навбатдаги кўринишга келтирамиз:

$$\sigma_0 \exp i(\omega t + \varphi) - E \cdot \varepsilon_0 \exp(i\omega t) \cdot [1 - R_c + iR_s] \quad (1.5.6)$$

Бу ерда

$$R_c = \int_0^{\infty} R(z) \cos \omega z dz \quad (1.5.7)$$

$$R_s = \int_0^{\infty} R(z) \sin \omega z dz \quad (1.5.8)$$

Қуйидаги белгилашларни киритаиз:

$E'(\omega) = E(1 - R_c)$, $E''(\omega) = ER_s$, (1.5.9) ва $E + iE''$, комплекс модел деб аталади. Бунда (1.5.6) тенглама оддий Гук қонуни формуласида ёзиш мумкин, фақат комплекс модуллар билан.

$$\sigma = (E + iE'') \cdot \varepsilon \quad (1.5.10)$$

Агар Пуассон коэффициентлари релаксация катталиги деб олинмаса, у ҳолда бунда

$$E + iE'' = 2(1 + \nu)(G' + iG'') \quad (1.5.11)$$

Энди Ламе коэффициентлари учун ифодани ёзамиз:

$$\mu = G' + iG'' = \frac{1}{2(1 + \nu)}(E' + iE'') \quad (1.5.12)$$

$$\lambda = \frac{2\nu}{1 + 2\nu} \mu = \frac{\nu}{(1 + \nu)(1 + 2\nu)}(E' + iE'') \quad (1.5.13)$$

Агар (1.5.12) ва (1.5.13) ни (1.5.9) га қўйсақ, қуйидагига эга бўламиз:

$$\mu = \frac{E}{2(1 + \nu)}(1 - R_c + iR_s) \quad (1.5.14)$$

$$\lambda = \frac{E\nu}{(1 + \nu)(1 + 2\nu)}(1 - R_c + iR_s) \quad (1.5.15)$$

Агар релаксация ядроси Абея ядро тури сифатида қабул қилинса, у ҳолда

$$I_\alpha = \frac{t^{-\alpha}}{\Gamma(1 - \alpha)}$$

(бу ерда Γ -гамма функцияси) (1.5.16)

Бунда

$$R_c = \int_0^{\infty} \frac{t^{-\alpha}}{\Gamma(1-\alpha)} \cos \omega z dz = \sin \frac{\pi\alpha}{2} \cdot \omega^{\alpha-1} \quad (1.5.17)$$

$$R_s = \int_0^{\infty} \frac{t^{-\alpha}}{\Gamma(1-\alpha)} \sin \omega z dz = \cos \frac{\pi\alpha}{2} \cdot \omega^{\alpha-1} \quad (1.5.18)$$

(1.5.14) ва (1.5.15) ни (1.5.17) ва (1.5.18) га қўйсақ,

$$\begin{aligned} \mathcal{K} &= \frac{E}{2(1+\nu)} \left(1 - \sin \frac{\pi\alpha}{2} \cdot \omega^{\alpha-1} + i \cos \frac{\pi\alpha}{2} \cdot \omega^{\alpha-1} \right) \\ \mathcal{K} &= \frac{\nu E}{(1+\nu)(1+2\nu)} \left(1 - \sin \frac{\pi\alpha}{2} \cdot \omega^{\alpha-1} + i \cos \frac{\pi\alpha}{2} \cdot \omega^{\alpha-1} \right) \end{aligned}$$

Ёки

$$1. \quad \mathcal{K} = G \left(1 - i \omega^{\alpha-1} e^{i \frac{\pi\alpha}{2}} \right) \quad (1.5.19)$$

$$2. \quad \mathcal{K} = \frac{2\nu G}{(1+2\nu)} \left(1 - i \omega^{\alpha-1} e^{i \frac{\pi\alpha}{2}} \right) \quad (1.5.20)$$

[9] тадқиқот ишида Ламе коэффиценти оний деформация ҳисобга олмаганда қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$\begin{aligned} \mathcal{K} &= \mu_1 + i\mu_2; \quad \mu_1 = |\omega|^\alpha \cos \frac{\pi\alpha}{2} K_0; \quad \alpha = \frac{\pi}{2} \operatorname{arctg} \gamma; \\ \mu_2 &= |\omega|^\alpha \sin \frac{\pi\alpha}{2} K_0; \quad K_0 = \mu_0 \omega_0^{-\alpha}; \quad \omega = \omega_0 \end{aligned}$$

Бу ерда K_0 - силжишнинг динамик модули;

II БОБ. Эластиклик назариясининг текис масаласини чекли элементлар усули билан ечиш

2.1.Чекли элементлар усулини эластиклик назариясининг текис масаласини ечишга қўллаш ҳақида

Мазкур диссертацияда сонли усул сифатида чекли элементлар усули қўлланилганлиги учун у ҳақида қисқача маълумот келтирамиз. Чекли элементлар усули қурилиш механикаси ва тугаш мухитлар механикасининг турли масалаларини ечишда ўзининг универсаллиги ва қулайлиги билан машҳурдир. Ҳозирги вақтда бу усулни ривожлантириш, физика ва техниканинг турли соҳаларига қўллаш бўйича тадқиқот ишлари кўпайиб бормоқда[15]. Чекли элементлар усули ҳақида тўла маълумотга тўхталмасдан, фақат унинг эластиклик назариясининг текис масаласига қўлланиши кўриб чиқилади. Бу иш қуйидагича амалга оширилади:

1- тугаш мухит маълум бир синиқ чизиқлар билан етарли миқдордаги чекли элементларга бўлиб чиқилади;


2- чекли элементлар бир бири билан фақат тугун нуқталарда боғланган деб фараз қилинади, асосий номаълумлар тугунларнинг кўчиши хисобланади;

3- элемент ичидаги кўчишларни тугунлардаги кўчишлар орқали бир қийматли аниқлаш учун аппроксимация функциялари системаси танланади;


4- чекли элементлар доирасида кўчиш функциялари тугунлардаги кўчишлар орқали ҳар бир нуқтанинг деформациясини бир қийматли тўлиқ аниқлайди, олдиндан маълум бўлган бошланғич деформация ва элементларнинг эластиклик хусусиятлари элемент ичида ва чегарасида кучланишни аниқлашга имкон беради;

5- элемент чегарасидаги кучланишлар ва ёйилган кучлар билан мувозанатлашувчи тўпланган кучлар системасини тугун нуқталарга қўйиб, мувозанат тенгламаларини тузамиз.

Учбурчак ккринишидаги чекли e элемент i, j, m тугунлар ва тўғри чизикли чегаралар билан аниқланади (рис. 1.5.1). Фараз қилайлик элемент юзасидаги ихтиёрий нуқтанинг қўчиши устун-вектор билан берилган бўлсин.



Расм. 1.5.1. Чекли элементларга бўлинган текис юза.



Расм..1.5.2. Тугаш мухитнинг текис кучланиш ёки текис деформация ҳолатини ҳисоблаш учун танланган учбурчакли чекли элемент.

$$\{f\} = [N]\{q\}^e = [N_i, N_j, N_m \dots] \begin{Bmatrix} q_i \\ q_j \\ q_m \\ \vdots \\ M \end{Bmatrix} \quad (1.5.1)$$

Бу ерда $[N]$ нинг ҳадлари умумий ҳолда ҳолат функциялари хисобланади, $\{q\}^e$ эса қаралаётган элемент тугун нуқталари кўчишининг векторидир.

Текис кучланиш ҳолатида устун-вектор

$$\{f\} = \begin{Bmatrix} U(x, y) \\ V(x, y) \end{Bmatrix}$$

Элемент ичидаги ихтиёрий нуқтанинг горизонтал ва вертикал кўчишларини ўз ичига олади, устун-вектор

$$\{q_i\} = \begin{Bmatrix} U_i \\ V_i \end{Bmatrix}$$

эса i тугуннинг кўчишига мос келади.

Аппроксимация функциялари N_i, N_j, N_m шундай танланадики, уларни (1.5.1) га қўйилганда тугун координаталари тугун кўчишларига мос келиши керак. Умумий ҳолда $N_i(x_i, y_i) = [I]$ (бирлик матрица) эканлиги равшан, u ҳолда $N_i(x_i, y_i) = N_i(x_m, y_m) = 0$ ва хоқозо қаби, айрим ҳолда бунга чизиқли функцияларни x ва u га нисбатан мос равишда танлаш орқали эришилади.

1.5.2 учбурчакли чекли элемент кўрсатилган.

Бутуниш давомида биз учбурчакли элементлардан фойдаланамиз. (Айрим бир масала учун элемент шаклини ва кўчиш функциясининг курунишини танлаш тадқиқотчининг ўзига боғлиқ).

Ҳар бир тугун иккита компонентага эга

$$\{q_i\} = \begin{Bmatrix} U_i \\ V_i \end{Bmatrix} \quad (1.5.2)$$

Элемент кўчишининг олтига компонентаси қуйдаги векторни ташкил қилади

$$\{q\}^e = \begin{Bmatrix} q_i \\ q_j \\ q_m \end{Bmatrix} \quad (1.5.3)$$

Элемент ичидаги ихтиёрий нуктанинг кўчиши юқоридаги олтига қиймат орқали бир қийматли аниқланиши керак. Маълумки, чизикли полиномлар энг содда боғланиш учун хизмат қилади, яъни

$$\begin{aligned} U &= a_1 + a_2x + a_3y \\ V &= a_4 + a_5x + a_6y \end{aligned} \quad (1.5.4)$$

Олтига a_i ўзгармас номаълум сонлар учтадан тенгламага эга бўлган иккита системадан осонгина топилади. Бунда (1.5.4) га тугун нукталар координаталарининг қийматлари кўйилиб, мос тугунларнинг кўчишлари билан тенглаштирилади.

Мисол учун

$$\left. \begin{aligned} U_i &= a_1 + a_2x_i + a_3y_i, \\ U_j &= a_1 + a_2x_j + a_3y_j, \\ U_m &= a_1 + a_2x_m + a_3y_m, \end{aligned} \right\} \quad (1.5.5)$$

Бунда a_1, a_2, a_3 ларни тугунларнинг кўчиши U_i, U_j, U_m лар орқали ифодалаймиз

$$U = \frac{1}{2\Delta} \{ (a_i + b_ix + c_iy)U_i + (a_j + b_jx + c_jy)U_j + (a_m + b_mx + c_my)U_m \} \quad (1.5.6)$$

бу ерда,

$$\begin{aligned} a_i &= x_i y_i - x_m y_j, \\ b_i &= y_j - y_m = y_{jm}, \\ c_i &= x_m - x_j = x_{mj}. \end{aligned} \quad (1.5.7)$$

Қолган коэффициентлар i, j, m индексларни циклик равишда алмаштириш орқали топилади. Δ – катталиқ эса i, j, m учбурчакнинг юзи.

Худди шу каби вертикал йўналишдаги кўчиш V ни ҳам аниқлаймиз ва қуйидаги формулага эга бўламиз

$$V = \frac{1}{2\Delta} \{(a_i + b_i x + c_i y)V_i + (a_j + b_j x + c_j y)V_j + (a_m + b_m x + c_m y)V_m\} \quad (1.5.8)$$

(1.5.6) ва (1.5.8) формулаларни (1.5.1) каби стандарт кўринишида ёзамиз, яъни

$$\begin{Bmatrix} U \\ V \end{Bmatrix} = [N] \{q\}^e = [N_i, N_m] \{q\}^e \quad (1.5.9)$$

Бу ерда, I – 2×2 ўлчамдаги бирлик матрица,

$$N_i = (a_i + b_i x + c_i y) / 2\Delta \text{ ва х. к.} \quad (1.5.10)$$

Танланган кўчиш функцияси кўшни элементлар чегарасидаги кўчишнинг узулуксизлигини автоматик равишда таъминлайди. Агар элементнинг ҳамма нуқталарида кўчишлар маълум бўлса, ўша нуқталарда деформацияларни ҳам аниқлаш мумкин. Улар матрица кўринишида ёзиладиган қуйидаги муносабатлардан аниқланади

$$\{\varepsilon\} = [B] \{q\}^e \quad (1.5.11)$$

Текис кучланиш ҳолатида элементнинг ихтиёрий ички нуқталарида тўла деформацияни бажарилган ишга хисса қўшувчи учта ташкил этувчи билан характерлаш мумкин

$$\{\varepsilon\} = \begin{Bmatrix} \varepsilon_x \\ \varepsilon_y \\ \gamma_{xy} \end{Bmatrix} = \begin{Bmatrix} \partial U / \partial x \\ \partial V / \partial y \\ \partial U / \partial y + \partial V / \partial x \end{Bmatrix} \quad (1.5.12)$$

(1.5.9) тенглама ёки (1.5.6) ва (1.5.8) лардан фойдаланиб, қуйидаги формулага эга бўламиз

$$\{\varepsilon\} = \begin{Bmatrix} \partial N_i / \partial x & 0 & \partial N_j / \partial x & 0 & \partial N_m / \partial x & 0 \\ 0 & \partial N_i / \partial x & 0 & \partial N_j / \partial x & 0 & \partial N_m / \partial x \\ \partial N_i / \partial x & \partial N_i / \partial x & \partial N_j / \partial x & \partial N_j / \partial x & \partial N_m / \partial x & \partial N_m / \partial x \end{Bmatrix} \begin{Bmatrix} U_i \\ V_i \\ U_j \\ V_j \\ U_m \\ V_m \end{Bmatrix} =$$

$$= \frac{1}{2\Delta} \begin{bmatrix} b_i & 0 & b_j & 0 & b_m & 0 \\ 0 & c_i & 0 & c_j & 0 & c_m \\ c_i & b_i & c_j & b_j & c_m & b_m \end{bmatrix} \{q\}^e \quad (1.5.13)$$

Бу формула (1.5.11) даги [B] матрицани тўла аниқлайди.

Текис кучланиш ҳолатидаги хотирага эга бўлган эластик жисм учун Гук қонуни матрица кўринишида қуйидагича ёзилади:

$$\{\sigma(t)\} = [D](1 - R^*)\{\varepsilon(t)\} \quad (1.5.14)$$

R^* - релаксация оператори, яъни

$$\{\sigma(t)\} = [D] \left(\{\varepsilon(t)\} - \int_0^{te} R(t-\tau) \{\varepsilon(\tau)\} d\tau \right)$$

Бу ерда,

$$[D] = \frac{E}{1-\nu^2} \begin{bmatrix} 1 & \nu & 0 \\ \nu & 1 & 0 \\ 0 & 0 & (1-\nu)/2 \end{bmatrix}$$

Устун вектор

$$\{F\}^e = \begin{Bmatrix} F_i \\ F_j \\ F_m \end{Bmatrix}$$

элементга таъсир қилувчи чегаравий кучланишлар ва ёйилган кучларга эквивалент бўлган тугун нуқталарга қўйилган кучларни ифодалайди. $\{F_i\}$ кучларнинг ҳар бири $\{q_i\}$ кўчишнинг нечта компоненти бўлса шунча компонентага эга бўлиши керак ва мос йўналишда таъсир қилиши керак.

Ёйилган кучлар $\{P\}$ шундай ифодаланадики, элемент материалнинг бирлик ҳажмига мос келиши билан бирга, $\{f\}$ кўчишнинг худди шу нуқтадаги йўналишига мос келиши керак.

Фараз қилайлик $\delta\{q\}^e$ – вектор тугундаги виртуал кўчишни ифодаласин. У ҳолда (1.5.1) и (1.5.11) муносабатларга мос келувчи элементдаг кўчишлар ва деформациялар учун қуйидаги ифодаларга эга бўламиз

$$\delta\{f\} = [N]\delta\{q\}^e \text{ и } \delta\{\varepsilon\} = [B]\delta\{q\}^e \quad (1.5.15)$$

Худди шунингдек, кучланиш ва ёйилган кучларнинг бирлик ҳажмига мос келувчи бажарган ишлари қуйидагича бўлади

$$\delta\{\varepsilon\}^T \{\sigma\} - \delta\{f\}^T \{P\} \quad (1.5.16)$$

ёки

$$(\delta\{q\}^e)^T ([B]^T \{\sigma\} - [N]^T \{P\}) \quad (1.5.17)$$

Ташқи кучларнинг бажарган ишини ички кучларнинг ҳажм бўйича интеграллаш натижасида олинadиган бажарган ишларининг умумлашган йиғиндисига тенглаштириб, қуйидагига эга бўламиз

$$(\delta\{q\}^e)^T \{f\}^e = (\delta\{q\}^e)^T \left(\int [B]^T \{\sigma\} dV - \int [N]^T \{P\} dV \right) \quad (1.5.18)$$

